

---

## Брифинг ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи Нурмат Отабеков иштирокида онлайн брифинг ўтказилди.

Савол: Бир одам неча марта коронавирус инфекцияси билан касалланиши мумкин?

Жавоб: Коронавирус инфекцияси шундай касалликки, ушбу касалликни бир марта юқтирган инсонда турғун орттирилган иммунитет ҳосил бўлади.

Бироқ шуниси ҳам борки, коронавируснинг 40дан ортиқ вариантлари (штаммлари) бор. Бир турдаги коронавирустан ҳосил бўлган иммунитет иккинчи турдаги инфекция учун иммунитет бўла олмайди.

Бир вақтнинг ўзида бир неча турдаги коронавирус инфекцияси тарқалган бўлиши мумкинлигини ҳисобга олсак, бир инсон ушбу касалликдан бир неча бор хасталаниши мумкин.

2020-03-25 19:38:53